



## ШАХС КАМОЛОТИДА ИЖТИМОЙЛАШУВ МУҲИМ ОБЪЕКТ СИФАТИДА

**Халилова Наргиза Икромалиевна**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети профессори

**Мусаева Мадина Ахмат қизи**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети талабаси

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08- November 2023 yil

Ma'qullandi: 13- November 2023 yil

Nashr qilindi: 15-November 2023 yil

### KEY WORDS

*“Ижтимоийлашув”, тарбия,  
тахлил, шахс, ривожланиш.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада “Ижтимоийлашув” тушунчаси ҳақида, шахс камолотида ижтимоийлашув муҳим объект сифатида роли ўйнаши ҳақида сўз юритилади.*

“Ижтимоийлашув” тушунчаси “тарбия”, “таълим”, “шахсинг ривожланиши” каби тушунчалари билан боғланган. Тарбия ва таълим (тор маънода)-бу болага ижтимоий тажрибани узатиш ва унда маълум бир ижтимоий хулқ-атвор стереотипларини шахсинг сифатлари ва хусусиятларини шакллантириш мақсадида махсус ташкил қилинган фаолиятдир [3]. Тасодифий ижтимоий таъсирлар исталган ижтимоий вазиятда яъни икки ёки ундан ортиқ индивидларнинг ўзаро таъсирлашувида ўз ўрнига эга. Масалан, катта инсонларнинг ўз муаммолари тўғрисидаги суҳбат болага етарлича кучли таъсир кўрсатиши мумкин, бироқ уни тарбиявий жараён деб аташ мушкул. Бола турли-туман таъсирларни (шу жумладан тарбиявий) фаол қабул қилиб ижтимоийлашади. Болада эҳтиёжлар бўлганлиги туфайли у фаол бўлади. Агарда тарбия мазкур эҳтиёжларни инобатга олса, у ҳолда бу бола фаоллигининг ривожланишига ёрдам беради. Агар тарбиячилар боланинг фаоллигини четлатишга ҳаракат қилишса, яъни улар ўз тарбиявий фаолиятларини амалга ошираётганларида болани “жим ўтириш” га мажбур қилишса, у ҳолда идеал гармоник шахс эмас, балки деформацияланган пассив шахс шаклланади. Боланинг фаоллиги тўлақонли тўсилади (бунда шахс ижтимоий мослашмаган бўлиб шаклланади), ёки бўлмаса, фаоллик турли-туман компенсатор йўллар орқали амалга оширилади (масалан, ҳал қилинмаган ишни бола яширинча бажришга ҳаракат қилади) [2].

Ривожланаётган шахс ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлиб боради. Секин-аста у бошқа инсонга таъсир ўткази олишга қодир бўлиб боради. Шунингдек, у ижтимоий объект сифатида ўз-ўзига ҳам таъсир кўрсата олади. Бундай таъсирлар ижтимоийлашув ҳисобланмаса-да, бироқ шахс ривожланишининг асосини ташкил қила олади. Ижтимоийлашув тушунчасига қуйидаги тушунчалар кириб кетади: таълим, тарбия шахс ривожланиш. Индивидуал даражадаги шахс ривожланиши ўз ичига бир қатор жараёнларни қамраб олади. Инсонларнинг шахслари ўзаро бир-

бирлари билан таъсир қилганларидагина шаклланади; мазкур ўзаро таъсирнинг характериға қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ёш, ақлий даража, жинс ва бошқа. Атрофдаги муҳит ҳам бола шахсига таъсир кўрсатиши мумкин. Шахсий индивидуал тажрибаға асосланган ҳолда шахс шаклланади. Шахс шаклланишининг муҳим жиҳати маданият ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг етакчи феноменларига хулқ-атвор стереотипларини амалда мавжуд ижтимоий меъёрларни, урф-одатларни, қизиқишларни қадрият йўналишларини ва ҳоказоларни ўзлаштириши киради. Хулқ-атвор стереотиплари сигналли ирсият яъни болалиқда катталарға тақлид қилиш йўли орқали шаклланади. Улар жуда барқарор бўлиб, психик номутаносибликнинг асоси бўлиши мумкин [1].

Ижтимоийлашувнинг бир қанча ижтимоий-психологик механизмлари мавжуд. Идентификация-бу индивиднинг баъзи инсонлар ёки гуруҳлар билан ўзини таққослаши, ўхшатиши бўлиб, у турли-туман хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришга имкон беради. Идентификацияға мисол қилиб жинсий-ролли типизацияни келтириш мумкин. Бу шундай жараёнки, унда индивид маълум бир жинс вакилларигагина хос бўлган психик хусусиятларни ва хулқ-атворни ўзлаштиради. Тақлид қилиш- бу индивид томонидан бошқа кишиларнинг хулқ-атвор моделларини, тажрибасини онгли ёки онгсиз амалға оширилишидир. Сингдириш-индивид томонидан атрофидаги инсонларнинг (у мулоқот қилаётган) ички тажрибаларини ўй-хаёлларини, ҳис-туйғуларини ва психик ҳолатларини онгсиз амалға ошириш жараёнидир. Ижтимоий фасилитация-баъзи инсонларнинг бошқа кишилар фаолиятиға рағбатлантирувчи таъсири бўлиб, бунинг натижасида уларнинг фаолияти анча эркин ва жадал юз беради. Конформлик-бу атрофдаги кишиларнинг ўй-фикрлари билан тафовут борлигини англаш ҳамда улар билан ташқи розиликни билдириб буни хулқ-атворда амалға оширишдир [2].

Бир қатор олимлар шу жумладан З.Фрейд ижтимоийлашувнинг тўртта психологик механизмини ажратиб кўрсатиб, улар қуйидагилардир: Имитация-бола томонидан хулқ-атворнинг маълум бир моделини нусхалашға онгли ҳаракат қилишидир. Тақлид учун намуналар сифатида ота-она қариндошлар, дўстлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Идентификация-у ёки бу бирлашмага тааллуқлиликни англаб етиш усулидир. Идентификация орқали болалар ота-оналари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва бошқаларнинг хулқ-атворини, қадриятларини, меъёрларини, хулқ-атвор намуналарини худди ўз шахсидек қабул қиладилар. Уят-бу бошқа кишиларнинг реакциялари билан боғлиқ бўлган шармандаликни ҳис қилишдир. Айбдорлик ҳисси-бошқа кишиларға алоқаси бўлмаган ҳолда ўзини ўзи жазолаш билан боғлиқ бўлган шармандаликни ҳис қилишдир. Имитация ва идентификация ижобий механизмлар ҳисобланиб, улар хулқ-атворининг маълум бир типини ўзлаштиришға қаратилган бўлади. Уят ва айбдорлик эса салбий механизмлар ҳисобланади. Чунки улар хулқ-атворнинг баъзи бир намуналарини тўхтатади ёки таъқиқлайди. З.Фрейднинг қайд қилишича, уят ҳисси ва айбдорлик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар деарли ажралмас ҳисобланади. Бироқ уларнинг ўртасида маълум бир тафовутлар мавжуд. Уят ҳисси одатда сизни уялтиришганликлари ва шарманда қилишларини ҳис қилиш билан ассоциацияланади. Айбдорлик ҳисси эса инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини ўзи баҳолаши, ички кечинмалари билан боғлиқ бўлади. Бунда

жазолаш ўз-ўзи томонидан амалга оширилади, назорат қилиш шакли сифатида эса вижон хизмат қилади[3].

Келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, ижтимоийлашув шахс ривожланишининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Битянова М.Р. Социальная психология. -М. 1994.
- 2.Коломинский, Я.Л. Социальная психология школьного класса: научно-метод. Пособие для педагогов и психологов / Я.Л. Коломинский. - Минск: ООО «ФУА информ», 2003 - 312 с.
- 3.Ярошевский М.Г. Современная социальная психология. - М., 1999.

